

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ СИЁСАТИНИНГ МАЗМУН-МОҲИАТИ




Коррупцияга оид асосий иборалар

“Коррупция” атамаси “бузиш, тизимни издан чиқариш, пора эвазига оғдириш” деган маънони англатадиган латинча “corruptio” сўзидан келиб чиққан

Коррупция — шахсинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши тушунилади

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик - коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш тушунилади




Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш институционал тизимни қуйидагилар ташкил этади:

**Маҳаллий давлат
ҳокимияти органлари**

**Ўзбекистон Республикаси
вазирлик ва муассалари**

**Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси**

**Ўзбекистон Республикаси
Хисоб палатаси**



**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси**

**Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси**

**Ўзбекистон Республикаси
Олий суди**

Коррупцияга қарши кураш борасида ваколатли органлар



Ўзбекистон
Республикаси
Бош прокуратураси

Ўзбекистон
Республикаси
Адлия вазирлиги



Ўзбекистон
Республикаси
Давлат
хавфсизлик
хизмати

Ўзбекистон
Республикаси
Бош
прокуратураси
хузуридаги
иқтисодий
жиноятларга
қарши курашиш
департаменти



Ўзбекистон
Республикаси
Ички ишлар
вазирлиги



Коррупцияга қарши курашиш бўйича
фаолиятни қонун ҳужжатларига
мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам
амалга оширади

Коррупциявий жиноятлар содир этилишини олдини олишда назорат тизимлари

- **Парламент назорати**
- **Жамоатчилик назорати**
- **Прокурор назорати**
- **Давлат молиявий назорати**
- **Маъмурий назорати**
- **Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя этиш соҳасидаги назорат**

Коррупцияга қарши курашишнинг норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни стратегик йўналишлари



Мансабдор шахслар томонидан коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги учун жавобгарлик турлари

**Жиноий
жавобгарлик**



**Маъмурий
жавобгарлик**

**Интизомий
жавобгарлик**

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг коррупция ва унга дахлдор жиноятлар бўйича моддалари

Коррупцияга оид жиноятлар тоифасига:

192⁹ (*Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш*), 192¹⁰ (*Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш*), 210 (*Пора олиш*), 211 (*Пора бериш*), 212 (*Пора олиш-беришда воситачилик қилиш*), 213 (*Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш*), 214 (*Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкрий манфаатдор бўлиши*) - моддаларида назарда тутилган жиноятлар

Ғаразгуйлик ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб содир этилган жиноятлар тоифасига:

192¹¹ (*Нодавлат тижорат ташкилотида ёки бошқа нодавлат ташкилотида мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини сууистеъмол қилиш*), 205 (*Ҳокимият ёки мансаб ваколатини сууистеъмол қилиш*), 206 (*Ҳокимият ёки мансаб ваколоти доирасидан четга чиқиш*), 209 (*Мансаб сохтакорлиги*), 301 (*Ҳокимиятни сууистеъмол қилиш, ҳокимият ваколатидан ташқарига чиқиш ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги*)- моддаларида назарда тутилган жиноятлар

Мансабдор шахс томонидан мансаб мавқеини сууистеъмол қилиш йўли билан содир этилган жиноятлар тоифасига:

167 (*Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш*), 168 (*Фирибгарлик*) - моддаларида назарда тутилган жиноятлар

Коррупцияга қарши курашга оид халқаро ҳуқуқий нормалар

2003 йил 31 октябрда қабул қилинган БМТнинг «Коррупцияга қарши конвенция»си коррупцияга қарши кураш борасидаги энг асосий халқаро ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистан Республикаси мазкур халқаро ҳужжатга қўшилган. Ўзбекистан Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан «БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига Ўзбекистан Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги Қонуни 2008 йил 24 июнда қабул қилинди ва 2008 йил 27 июнда Ўзбекистан Республикаси Олий мажлиси Сенати томонидан маъқулланди ва 2008 йил 28 августдан эътиборан кучга кирди.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси муқаддима ҳамда 8 та боб, 71 та моддадан иборат бўлиб, 1-бобда (1-4) умумий қоидалар, 2-бобда (5-14) коррупциянинг олдини олиш чоралари, 3-бобда (15-42) жиноятчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, 4-бобда (43-50) халқаро ҳамкорлик, 5-бобда (51-59) активларни кайтариш бўйича чоралар, 6-бобда (60-62) техник ёрдам ва маълумот алмашинуви, 7-бобда (63-64) амалга ошириш механизмлари, 8-бобда (65-71) яқуний қоидалар акс этган.

Комплаенс назорати – давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этувчи, коррупция хавф-хатарлари, манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва чек қўйиш, қонун бузилиш ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришни ўзида мужассам этган профилактик тизимдир.



«Коррупцияга қарши бошқарув тизимлари – Фойдаланиш учун талаблар ва тавсиялар» халқаро стандарти ISO 37001:2016 – бу ташкилотда коррупцияга қарши курашнинг самарали тизимини яратишнинг халқаро усулларини ўзида жамлаган, коррупцияга қарши мукамал бошқарув тизимини йўлга қўйишга хизмат қиладиган халқаро стандартдир.

Стандарт - коррупцияга қарши сиёсатни ишлаб чиқиш;

- коррупцияга қарши тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш учун масъулларни тайинлаш;

- ходимларни ўқитиш;

- коррупция хавфларини баҳолашни ўтказиш;

- молиявий ва тижорат назоратини олиб бориш, ҳисоботлар юритиш ва бошқаларни жорий этишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши кураш сиёсати

- ❑ «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида», Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 03.01.2017 йилдаги ЎРҚ-419-сон
- ❑ «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 27.05.2019 йилдаги ПФ-5729-сон
- ❑ «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизimini такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 29.06.2020 йилдаги ПФ-6013-сон
- ❑ «Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 29.06.2020 йилдаги ПҚ-4761-сон
- ❑ «Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 06.07.2021 йилдаги ПҚ-5177-сон
- ❑ «Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизimini жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 12.01.2022 йилдаги ПҚ-81-сон

2020 йилда республика бўйича содир қилинган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг салмоғи

Мансабдор шахслар жиноятчилиги таҳлили:




Жавобгарликка тортилган мансабдор шахслар мавқеи:



Зарар



Жавобгарликка тортилган мансабдор шахсларнинг содир этган жиноятлари турлари:



2021 йилда Ўзбекистонда содир этилган коррупцияга оид жиноятлар

- **5483** нафар (2020 йилга нисбатан **3760** тага кўп) шахсга нисбатан **3769** та (2020 йилга нисбатан **2621** тага кўп) коррупцияга оид жиноят ишлари очилган;
- Коррупцияга оид жиноятлар оқибатида давлат ва жамият манфаатларига 2021 йилдаги моддий зарар миқдори **1,2 трлн**ни ташкил этиб (2020 йилга нисбатан **781,9 млрд**га кўп), **887 млрд** сўми (**69,1 %**) ундирилган;
- 2021 йилда Антикоррупция агентлиги томонидан қурилиш соҳасидаги жами **461,3 млрд** сўмлик қийматдаги давлат харидлари юзасидан **59** та қурилиш объектида ўрганиш ўтказилган. Аниқланган коррупция ҳолатлари юзасидан тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим қилиниши орқали жами **49** та жиноят иши ва **24** та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш қўзғатилган.

**«Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 12.01.2022 йилдаги
ПҚ-81-сон**

Коррупцияга қарши курашиш бўйича асосий ички ҳужжатлар мавжудлиги

- Коррупцияга қарши курашиш сиёсати;
- Одоб-ахлоқ қоидалари;
- Вазирли тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлими;
- Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти;
- Коррупцияга қарши шартларни ходимлар билан тузиладиган шартномаларда назарда тутиш;
- Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш Низоми;
- Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари;
- Контрагентларни текшириш услубиёти;
- Вазирликлар тизими ходимлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишни ташкил этиш юзасидан услубий кўрсатмалар;
- Адлия вазирлигининг коррупцияга оид ҳаракатлар тўғрисида ахборот бериш учун алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва қайта ишлаш регламенти;
- Давлат органлари ва муассасаларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш регламенти;
- Вазирликлар тизимида коррупцияга қарши тамойиллар ва талабларга риоя қилинишини мониторинг ва назорат қилиш услубиёти.

ТАШКИЛОТ СТАНДАРТИ

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги
Атом энергетикасини ривожлантириш агентлигининг коррупцияга
қарши курашиш бўйича Сиёсати

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги
Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги

Тошкент

ASL
NUSXASI

ТАСДИҚЛАЙМАН

“Ўзатом” агентлиги
Бон директори
Ж.Т. Мирзамахмудов
“ 21 ” 2022 й.

ТАШКИЛОТ СТАНДАРТИ

“Ўзатом” агентлигининг коррупцияга қарши курашиш бўйича
Сиёсати

Амалга киритиш санаси 21.01.2022

1 Қўлланилиш доираси

1.1 Ушбу Сиёсат “Ўзатом” агентлиги ва тизимдаги ташкилотларида ҳалоллик сиёсатини таъминлаш, яъни ходимлар ва умуман жамиятда коррупцияга қарши курашиш маданиятини ошириш мақсадида юксак ҳуқуқ-атвор стандартларига мувофиқлик, шунингдек лавозим (хизмат) мажбуриятларини бажариш чоғида “Ўзатом” агентлиги ва тизимдаги ташкилотлари ходимлари томонидан коррупциявий ҳаракатлар содир этилишига йўл қўймасликка доир позициясини ифодалайди.

1.2 Ушбу Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни талаблари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада

ASL
NUSXASI

ТАШКИЛОТ СТАНДАРТИ

“Ўзатом” агентлиги ва тизимдаги ташкилотларга алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-харакатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва қўриб чиқиш Регламенти

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги
Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги

Тошкент

ASL
NUSXASI

ТАСДИҚЛАЙМАН

“Ўзатом” агентлиги
Бош директори

Ж. Мирзамахмудов

2022 йил “



“Ўзатом” агентлиги ва тизимдаги ташкилотларга алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-харакатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва қўриб чиқиш Регламенти

Амалга киритиш санаси 1.03.2022 ч

1 Умумий қоидалар

1.1 Мазкур Регламент “Ўзатом” агентлиги ва тизимдаги ташкилотларда (кейинги ўринларда – “Ўзатом” агентлиги) коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва тегишли таъсир чораларини қўришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

1.2 Мазкур Регламент “Ўзатом” агентлигидаги алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-харакатлар ҳақида келиб тушган хабарлар билан ишлашнинг асосий тамойиллари, шунингдек, хабарларни қабул қилиш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва қўриб чиқиш, шунингдек, “Ўзатом” агентлиги Бош директорига ҳисобот тақдим этиш тартибини белгилайди.

2 Мазкур Регламент мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ишонч телефони – “Ўзатом” агентлигига телефон орқали келиб тушадиган мурожаатларни марказлашган ҳолда қабул қилиш, таснифлаш ва тизимлаштириш, шунингдек, ўз вақтида ва сифатли қўриб чиқилишини мониторинг қилиш имконини берувчи тизим;

ASL 1
NUSXASI

ТАШКИЛОТ СТАНДАРТИ

**“Ўзатом” агентлиги ва тизимдаги ташкилотлар ходимларининг
коррупциявий хатти-харакатлари устидан хизмат текширувлари
ўтказиш бўйича Регламенти**

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги
Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги

Тошкент

ТАСДИҚЛАЙМАН

“Ўзатом” агентлиги

Боқирова А.С. Мухомудов



“ 01 ” 2022 й.

ТАШКИЛОТ СТАНДАРТИ

**“Ўзатом” агентлиги ва тизимдаги ташкилотлар ходимларининг
коррупциявий хатти-харакатлари устидан хизмат текширувлари
ўтказиш бўйича Регламент**

Амалга киритиш санаси 01.01.2022

1 Қўлланилиш доираси

1.1 Мазкур Регламент “Ўзатом” агентлиги ва тизимдаги ташкилотлар ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилиги ёки коррупцияга қарши курашишга оид ички идоравий ҳужжатларини бузилишига нисбатан хизмат текширувини (кейинги ўринларда – Хизмат текшируви) ўтказишни белгилловчи ички идоравий ҳужжат ҳисобланади.

1.2 Мазкур Регламент қуйидаги мақсадларда ишлаб чиқилган:

“Ўзатом” агентлигида Хизмат текшируви ўтказишга ягона ёндашувни белгилаш;

хизмат текшируви ўтказиш жараёни ва натижаларини ҳужжатлаштириш талабларини белгилаш;

“Ўзатом” агентлигида қондабузарликлар содир этиш, унга зиён етказишга олиб келадиган сабаб ва шартларни аниқлаш ва бартараф қилиш;

“Ўзатом” агентлигида қабул қилинган ички ҳужжатлар ва назорат таомилларидаги камчиликларни аниқлаш ва келгусидаги қондабузарликларга йўл қўймаслик мақсадида уларни бартараф қилиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

“Ўзатом” агентлигида ва унинг ходимларининг қўлланилаётган қонунчилик талабларини бузганлик учун жавобгарликка тортилиши хавфини камайтириш.

ТАШКИЛОТ СТАНДАРТИ
“Ўзатом” агентлигида Манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича
Низом

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги
Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги

Тошкент

ASL
NUSXASI

ТАСДИҚЛАЙМАН

“Ўзатом” агентлиги
Бош директори



Ж. Мирзамахмудов

2022 йил “18”

“Ўзатом” агентлигида Манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича
Низом

Амалга киритиш санаси 1.09.2022

1 Умумий қондалар

1.1 Мазкур Низом “Ўзатом” агентлигида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, унинг олдини олиш ва тартибга солишни белгилайди.

1.2 Ушбу Низом қондалари эгаллаб турган лавозими ва бажараётган хизмат ваколатларидан қатъий назар “Ўзатом” агентлигининг барча ходимларига тегишли.

1.3. Мазкур Низом “Ўзатом” агентлигида юзага келган ва юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва бошқариш масалаларидаги асосий ички ҳужжат ҳисобланади ва барча ходимлар томонидан сўзсиз риоя қилиниши шарт.

1.4. “Ўзатом” агентлиги ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ масалалар “Ўзатом” агентлигининг режим ва кадрлар бошқармаси томонидан мувофиқлаштириб борилади.

1.5 Мазкур Низом мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

алоқадор шахслар – “Ўзатом” агентлиги ходими билан тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, акциялари Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган миқдордаги акцияга эга эканлиги бундан мустасно;

кронизм – дўстлар ёки ишончли шахсларга ноқонуний имтиёзлар тақдим этиш мақсадида ҳокимият (лавозим мавқесидан) ва обрўсидан фойдаланиш;

манфаатлар тўқнашуви – “Ўзатом” агентлиги ходимларининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат

ASL
1
NUSXASI

ТАШКИЛОТ СТАНДАРТИ

“Ўзатом” агентлиги ва тизимдаги ташкилотларда контрагентларни текширишга оид Йўриқнома

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги
Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги

Тошкент

ASL
NUSXASI

ТАСДИҚЛАЙМАН

“Ўзатом” агентлиги
Бош директори

Ж. Мирзамахмудов

2022 йил “20”



“Ўзатом” агентлиги ва тизимдаги ташкилотларда контрагентларни текширишга оид Йўриқнома

Амалга киритиш санаси 1.03.2022

1 Умумий қоидалар

1.1 Ушбу Йўриқнома “Ўзатом” агентлиги ва тизимдаги ташкилотлар (кейинги ўринларда – “Ўзатом” агентлиги) томонидан харид қилиш тартиб-таомиллари, шу жумладан тўғридан-тўғри шартнома тузишда иштирокчиларни мажбурий текширишнинг (кейинги ўринларда Харид жараёнлари иштирокчиларини текшириш) асосий талаблари, тартиби ва усулларини белгилайди.

1.2 Харид жараёнлари иштирокчиларини текширишнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

“Ўзатом” агентлиги ходимларининг манфаатлар тўқнашуви ва шахсий манфаатдорлиги билан боғлиқ бўлган коррупциявий хатарларни камайтириш;

инсофсиз ижрочи билан шартнома тузиш хатарини камайтириш;

харид жараёни иштирокчисининг шартномада белгиланган товарларни етказиб бериш ёки хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш имкониятини баҳолаш;

Контрагент билан шартнома тузиш тўғрисидаги қарорни тегишли даражада эҳтиёткорлик билан қабул қилиш.

1.3 Харид жараёнлари иштирокчиларини текшириш хариднинг барча иштирокчилари, шу жумладан, улар ўртасидаги алоқа мавжудлиги эҳтимоли нуқтаи-назаридан ҳам амалга оширилади.

ASL
NUSXASI

ТАШКИЛОТ СТАНДАРТИ

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги
Атом энергетикасини ривожлантириш агентлигида ва тизимдаги
ташкилотларда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги
Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги

Тошкент

КОНТРОЛЬНЫЙ
ЭКЗЕМПЛЯР

ТАСДИҚЛАЙМАН



“Ўзатом” агентлиги
Бош директори

Ж. Мирзамахмудов

“ 8 ” 01 2022 й.

ТАШКИЛОТ СТАНДАРТИ

“Ўзатом” агентлиги ва тизимдаги ташкилотларда коррупциявий
хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти

Амалга киритиш санаси 11.01.2022 й.

1 Қўлланилиш доираси

1.1 “Ўзатом” агентлиги ва тизимдаги ташкилотларда коррупциявий хавф - хатарларни баҳолаш Услубиёти “Ўзатом” агентлиги ва тизимдаги ташкилотларга (кейинги ўринларда “Ўзатом” агентлиги) юкланган вазифа ва мажбуриятларни бажаришда юзага келиб чиқадиган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бўйича қоидаларни белгилаб беради ҳамда “Ўзатом” агентлигида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашга ягона ёндашувни шакллантиришга қаратилган.

1.2 Қуйидагилар “Ўзатом” агентлигидаги коррупциявий хавф - хатарларни баҳолашнинг мақсади ҳисобланади:

“Ўзатом” агентлиги фаолиятини комплекс таҳлил қилиш орқали коррупция хавф-хатарига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимларини белгилаш;

коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича самарали олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш.

1.3 “Ўзатом” агентлигидаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қуйидагиларни: ишлаб чиқилишини назарда тутати:

Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси;

КОНТРОЛЬНЫЙ
ЭКЗЕМПЛЯР

ТАШКИЛОТ СТАНДАРТИ

“Ўзатом” агентлиги ва тизимдаги ташкилотларда коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услубиёти

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги
Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги

Тошкент

ASL
NUSXASI

ТАСДИҚЛАЙМАН

“Ўзатом” агентлиги
Бош директори

Ж. Мирзамахмудов

2022 йил “31” май

ТАШКИЛОТ СТАНДАРТИ

“Ўзатом” агентлиги ва тизимдаги ташкилотларда коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услубиёти

Амалга киритиш санаси _____

1 Умумий қоидалар

1.1 Мазкур Услубиёт “Ўзатом” агентлиги ва тизимдаги ташкилотларнинг (кейинги ўринларда – “Ўзатом” агентлиги) ички норматив ҳужжати ҳисобланади ва “Ўзатом” агентлигида коррупцияга қарши курашиш бўйича белгиланган тартиб-таомиллар ва коррупцияга қарши курашиш бўйича қабул қилинган ички норматив ҳужжатлар бажарилишини мониторинг ва назорат қилиш тартиби ҳамда стандартларини белгилайди.

1.2 Мазкур Услубиётда мониторинг деганда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши самарадорлигини баҳолаш ҳамда “Ўзатом” агентлиги фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш мақсадида текшириш, назорат деганда танқидий ўрганиш кўринишида амалга оширилиши мумкин бўлган коррупцияга қарши курашиш тизими ҳолатининг таҳлили тушунилади.

1.3 Мазкур Услубиёт Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, “Ўзатом” агентлигининг ички норматив ҳужжатлари талабларига мувофиқ, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш бўйича илғор халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

1.4 Коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомилларининг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш (кейинги ўринларда –

ASL
NUSXASI

ТАШКИЛОТ СТАНДАРТИ

**“Ўзатом” агентлиги ва тизимдаги ташкилотларда коррупцияга
қарши курашиш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни
шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом**

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги
Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги

Тошкент

ASL
NUSXASI

ТАСДИҚЛАЙМАН

“Ўзатом” агентлиги
Бош директори

Ж. Мирзамахмудов

2022 йил “ 16 ” 05

ТАШКИЛОТ СТАНДАРТИ

**“Ўзатом” агентлиги ва тизимдаги ташкилотларда
коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги
ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом**

Амалга киритиш санаси 01.06.2022 йил

1 Умумий қоидалар

1.1 Мазкур Низом “Ўзатом” агентлиги ва тизимдаги ташкилотларда (кейинги ўринларда – “Ўзатом” агентлиги) коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият юритиши ва коррупцияга қарши тадбирларни амалга ошириши тўғрисидаги ҳисобдорликни шакллантириш тартибини белгилайди.

1.2 “Ўзатом” агентлиги коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият юритиши ва ҳолати масалалари бўйича ҳисоботларни (кейинги ўринларда – ҳисоботлар) шакллантириш ва тақдим этиш учун маъсулият “Ўзатом” агентлигининг Комплаенс – назорат тузилмаси ходимлари зиммасида бўлади.

“Ўзатом” агентлиги тизимидаги ташкилотларда ҳисоботни тақдим қилиш учун маъсулият Комплаенс – назорати бўйича ходим зиммасида бўлади.

2 Ҳисобот турлари ва уни тузиш даврийлиги

2.1 “Ўзатом” агентлигида қуйидаги ҳисобот турлари назарда тутилади:

ASL¹
NUSXASI

ТАШКИЛОТ СТАНДАРТИ

“Ўзатом” агентлиги ва тизимдаги ташкилотларда ходимларнинг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича Йўриқнома

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги
Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги

Тошкент

ASL
NUSXASI

ТАСДИҚЛАЙМАН

“Ўзатом” агентлиги
Бош директори

Ж. Мирзамахмудов

2022 йил “16” 05

ТАШКИЛОТ СТАНДАРТИ

“Ўзатом” агентлиги ва тизимдаги ташкилотларда ходимларнинг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича Йўриқнома

Амалга киритиш санаси 01.06.2022 йил

1 Умумий қондалар

1.1 Ушбу Йўриқнома “Ўзатом” агентлиги ва тизимдаги ташкилотларда (кейинги ўринларда агентлик) ходимларнинг этика ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитилишини ташкил қилиш бўйича тавсия ва қўлланмаларни белгилаб беради.

1.2 Ушбу Йўриқнома коррупциявий ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларни содир қилишга хизмат қиладиган сабабларни бартараф этиш, ходимларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ва уларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва агентликнинг бошқа ички ҳужжатларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга қаратилган.

1.3 Агентлик ходимларини этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитиш (кейинги ўринларда – ўқитиш) дастурлари ва материаллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ушбу Йўриқномага мувофиқ ишлаб чиқилади.

2 Ўқитишнинг асосий тамойиллари

2.1 Агентлик ходимларини ўқитиш қуйидаги тамойилларга асосланади:

ASL 1
NUSXASI

«Нормативные документы Агентства Узатом» → «Нормативные документы UzAtom TS (Стандарт организации)»

Коррупцияга қарши курашишда манфаатлар тўқнашуви

• Манфаатлар тўқнашуви — шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилиқ юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

Манфаатлар тўқнашуви - асосий тушунчалар

Манфаатлар тўқнашуви — шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик адлия органлари ва муассасалари ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан адлия органлари ва муассасаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

Яқин қариндошлар — қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари.

Алоқадор шахслар — ходим билан тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, акциялари Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган миқдордаги акцияга эга эканлиги ҳолатлари бундан мустасно.

ходимнинг шахсий манфаатдорлиги –

ташкилот ходими томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қимматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорат ёки нотижорат манфаатлари)

Коррупцияда манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини тартибга солувчи миллий қонунчилик нормалари

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунининг 21-моддасига мувофиқ давлат органларининг ходимлари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги керак-деб эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси

Кодекснинг 79-моддасига биноан: “Ўзаро яқин қариндош ёки қуда-анда бўлган шахсларнинг (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғил ва қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалари), башарти улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, бир давлат корхонасида бирга хизмат қилишлари тақиқланади”, - дейилган.

- Давлат хизматчилари ўз хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймасликлари керак.
- Давлат хизматчиларининг шахсий манфаатлари уларнинг ўз хизмат вазифаларини холисона ва беғараз бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатларда пайдо бўлади.
- Давлат хизматчиларининг шахсий манфаатдорлиги уларнинг шахсан ўзи ёки яқин қариндошлари, шунингдек улар яқин ёки ишбилармонлик муносабатларида бўладиган бошқа шахслар учун ҳар қандай наф кўриш ёки афзалликларга эга бўлишни ўз ичига олади.
- Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда давлат хизматчилари ўз раҳбарини дарҳол хабардор қилиши керак.
- Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни олган раҳбар уни тартибга келтириш бўйича ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

Манфаатлар тўқнашувининг кўринишлари

Лоббизм

(инглиз. lobby – кулуар, коридор)

расмий вакиллар билан
норасмий шахсларнинг ўзаро
учрашиб, расмий қарорлар
устунлик қабул
қилишдаги сиёсий таъсирнинг
ўзига хос тури



Раҳнамолик, фаворитизм

(фр. favorit)

химоя остидаги айрим
ходимларни яқин олиш ва
қуллаб-қувватлаш



Клиентелизм (ингл. clientelism,
лот. clientēla - мижоз) - юқори
лавозимдаги мансабдор шахс ва
унга хайрихоҳ бўлган шахслар (мансабдор шахслар,
тадбиркорлар, сиёсий гуруҳлар)

Протекционизм (лот. кўмаклашиш)

маълум бир шахсларни лавозимга
тайинлашга кўмаклашиш

Непотизм (лот. nepos жиян)

қариндош-уруғчилик, ҳудудий
ёки этник принциплар асосида
давлат тузилмаларида ёки бошқа
тузилмаларда тор гуруҳчилик
манфаатлари билан иш кўриш



Кронизм (инглиз. хамфикр, таниш билишчилик, гуруҳбозлик)

лавозимларни таниш-
билишчилик асосида дўстларга
бериш



Пантуфляж (фран. шиппакни
алмаштириш) – давлат хизматчиси
давлат секторидан кетиб, хусусий
секторга ишга жойлашиши

Манфаатлар тўқнашувини бошқариш: тартибга солиш

Манфаатлар тўқнашувини бошқариш

Ходимнинг манфаатлар тўқнашуви бўйича қарорларни қабул қилиш ва муҳокама қилиш жараёнида қатнашишдан ихтиёрий равишда воз кечиш, ўз-ўзини рад этишини тасдиқлаш



Ходимнинг шахсий манфаатларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган маълумотлар ва ҳужжатлардан фойдаланишини чеклаш



Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш учун ходимнинг мажбуриятларини ўзгартириш ёки қайта кўриб чиқиш




Ходимни маълум бир давлат харид иштирокчиси билан ходим учун қарорларни қабул қилиш жараёнидан четлаштириш



Ходимни маълум бир лавозим, вазифадан озод этиш



Ходимни манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ бўлмаган меҳнат функцияларини бажаришни назарда тутадиган лавозимга ўтказиш



Аниқланмаган / ҳал қилинмаган манфаатлар тўқнашувининг салбий оқибатлари



Молиявий хавф-хатар

- Ассосиз имтиёزلарни таъминлаб, нархларни ошириб товарлар / хизматларни сотиб олиш
- Етказиб берилмаган товарлар / тасдиқланмаган хизматлар учун давлат харидлари иштирокчиларига тўловлар.



Ҳуқуқий хавф-хатарлар

- Қонун бузилганлиги ҳолати бўйича ташкилотнинг суд жараёнига жалб қилиниши
- Давлат манфаатларини бузиш ёки битимларнинг қонунийлигига қарши кураш кўринишидаги оқибатлар



Стратегик хавф-хатарлар

- Ёмон хизматларнинг натижасида нотўғри қарорлар қабул қилиш
- Стратегик мақсадларга эриша олмаслик



Репутацион хавф-хатарлар

- Қарама-қарши томонлар, фуқаролар ва жамият томонидан манфаатлар тўқнашуви оқибатларида ташкилотга бўлган муносабатини пасайиши



ЗАРАР